

Муздалифада бўлиш



16:52 / 14 июнь 9916

Қуёш ботгач, шом намозини ўқимасдан, Арафотдан Муздалифага қараб юрилади. Етиб келиб, шу жойда тунаш учун жойлашилади. Таъкидлаб айтиш керакки, одам кўплигидан баъзи кишилар Муздалифа чегарасига ҳали кириб бормай тўхтайдилар, баъзилари ўтиб ҳам кетадилар. Шунга эҳтиёт бўлиб, чегарада туриш лозим. Бу ерда хуфтон вақтида шом ва хуфтон намозлари қўшиб ўқилади. Агар бирор киши билмасдан шомни йўлда ўқиган бўлса, қайтариб ўқийди.

Бу кечанинг фазли жуда улуғ бўлиб, баъзи уламолар уни жума ва қадр кечаларидан ҳам афзал дейишган. Бу ерда такбир, тасбеҳ ва дуоларга машғул бўлиш керак.

Тонг отгач, бомдод намозини аввалги вақтида ўқиб, Муздалифада туриш (вуқуф) бошланади. Бу туриш вожибдир. Қуёш чиқишига оз қолганида Минога қараб йўлга тушилади.

Аёллар, қариялар, касаллар, болалар қийналишдан қўрқишса, Муздалифада тўхтамай, тўғри Минога боришса бўлади.

????????? ??? ?????

Минога келиб жойлашиб бўлгач, энди тош отиш бошланади. Ҳайитнинг биринчи куни етти дона тош отилади. Тошни Муздалифадан ёки хоҳлаган

бошқа жойдан териб олса бўлаверади. Фақат одамлар отган тошлардан бўлмаслиги керак. Майда тошлар терилади, ҳажми нўхатдан каттароқ бўлса яхши.

Тош отиш чоғида ҳар бир ҳожининг Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, қурбонликка сўйгани олиб кетаётганларини, уларнинг йўлини шайтон тўсиб чиқиб, ифво қилмоқчи бўлганини, шунда Иброҳим алайҳиссалом тош отиб уни қувлаганларини эслаши лозим.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мино масжидидан кейинги жамрага тош отсалар, еттита майда тош отар, ҳар гал тош отганда такбир айтар эдилар. Сўнг унинг олд томонига ўтиб, қиблага юзланган ҳолда турганча икки қўлларини кўтариб, дуо қилар эдилар. У зот узоқ турар эдилар. Сўнг иккинчи жамрага келиб, унда ҳам еттита майда тош отар, ҳар гал тош отганда такбир айтар эдилар. Сўнг водийнинг чап ёнига тушиб, қиблага юзланган ҳолда икки қўлларини кўтариб дуо қилар эдилар. Кейин Ақабадаги жамрага келиб, унда ҳам еттита майда тош отар, ҳар бир тош (отиш)да такбир айтар эдилар. Сўнг у ерда тўхтаб турмай, жўнаб кетар эдилар».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шайтонга тош отиш – Аллоҳ таолонинг амри қандай бўлса ҳам, унга бўйсунишга тайёрлик рамзи, Аллоҳ таолога қулчиликнинг изҳоридир. Шу билан бирга, тош отиш ёмонлик ва шайтоний ишларни қувиш рамзидир.

Ҳайитнинг биринчи куни Жамратул Ақоба деб номланган жойда тош отилади. Уни Жамратул Кубро, Жамратул Ухро деб ҳам аташади. Тош отиладиган жойга нисбатан Мино томонда туриб, орада беш газ миқдорича масофа қолдириб (узоқроқ бўлса ҳам майли), бармоқларининг учи билан отиш керак.

Ҳар бир тош «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар» деб отилади. Агар тош бирор одамга ё нарсага тегиб кетса ҳам махсус жойга тушса бўлди, ҳисобга ўтади. Лекин кўзланган жойга етмаса, бошқатдан отиш вожиб бўлади.

Иккинчи куни уч жойда тош отилади. Минодан юриб келганда дастлаб дуч келинадиган Жамратул-ула деган ерга етти дона тош юқорида айтилгандек отилади.

Сўнг бир четга ўтиб, қиблага қараб дуо қилинади. Тош отиладиган иккинчи ва учинчи жойлар Жамратул вусто ва Жамратул Ақоба деб номланади.

У ерларда ҳам худди биринчи жойдаги ҳолат такрорланади. Фақат учинчи мақомда тош отилгандан кейин тўхтамай кетиш лозим.

Иккинчи ва учинчи кунлари тош отишнинг вақти заволдан кейин то қуёш ботгунча бўлиб, заволдан олдин отиш жоиз эмас. Қуёш ботгач отиш эса макруҳ бўлади. Агар кимдир тонг отгунча ҳам отмаса, жонлиқ сўйиши вожиб бўлади.

Ҳайитнинг учинчи куни ҳам шу тарзда тош отилади. Агар ҳожи тўртинчи куни ҳам Минода қолса, унга ўша куни ҳам тош отиш вожиб бўлади. Қолган вақтда ҳожи яна кўпроқ ибодат билан машғул бўлади.

Тошни отиб бўлиб, тўхтаб турмай, у ердан кетиш лозим. Биринчи тошни отиш билан «лаббайка» айтиш тўхтатилади. Биринчи куни тош отиш вақти ўша куннинг субҳи содиғидан бошлаб то келаси куннинг субҳи содиғигачадир. Лекин ўша куни заволгача отиш – суннат.

Кимнинг узри бўлса, қуёш ботгунча отса бўлади. Тонг отгунга қадар отмаса, жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Қуёш ботгандан кейинга қолса, макруҳдир. Аммо аёллар, қариялар, касаллар ва ёш болалар қуёш ботгандан кейин отишлари афзал. Ҳозирги кунларда ҳаж қилувчилар сони тобора ортиб бормоқда, айниқса, тош отиш жойлари одам энг кўп тўпланадиган, тиқилинч жойларга айланиб қолди. Чунки бир неча миллион одам қисқа вақт ичида, торгина жойда етти донадан тош отиши лозим.

Шунинг учун ҳар бир инсон бу ишнинг нозиклигини ҳис қилиб, одоб билан, бировларга озор бермай ҳаракат қилиши керак бўлади. Шу ҳолатни эътиборга олиб, уламоларнинг фатволари билан тош отиладиган жой ҳозирги кунда бир неча қаватли қилинган. Иккинчи-учинчи қаватлардан отишнинг ҳеч бир камчилиги йўқ.

Тош отишга қурби етмайдиган кишиларнинг (ёш болалар, касаллар, кексалар, ҳомиладор аёлларнинг) ўрнига уларнинг вакиллари тош отиб қўйса бўлади.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳаж қилдик, биз билан аёллар, ёш болалар бор эди. Ёш болалар ўрнига талбия

айтдик ва тош отдик».

Мазкур узрли кишиларнинг одам кўплигидан издиҳомга кириб тош отишлари қийин бўлади, вақт ўтиб кетади, тош отишни эса, қазо қилиб бўлмайди. Узрли кишидан вакил бўлган одам тош отиладиган ҳар бир жойга борганда аввал ўзиникини, кейин вакил қилган кишиникини отади. Аввал уч жойда ўзиникини отиб бўлиб, кейин вакил қилганнинг тошларини уч жойда алоҳида отишига ҳожат йўқ. Етти тошнинг ҳар бири алоҳида отилади. Жамлаб отиш мумкин эмас.

Минодаги жамаротларга қайси кунгача тош отиш зарурийдир? Аллоҳ таоло ҳожиларга қурбон ҳайити кунидан кейинги икки кун, яъни зул-ҳижжанинг ўн биринчи ва ўн иккинчи кунларини Минода ўтказишни ихтиёрий қилиб қўйди. Ушбу икки кунда учта жамаротга тош отиб, ортга қайтиб келинади. Шунингдек, ҳайит кунидан бошқа бир кун, яъни ўн учинчи кун ортиқча қолиб тош отган ва ортга қайтиб келган кишига хараж ва гуноҳ йўқдир.

Жоҳилият пайтида ўн учинчи куннинг тошини отишни ҳам зарурий деб билишар эди. Ўн иккинчи кун Минодан ортга қайтиб боришни гуноҳ деб билишар эди. Бошқа бировлар ўн иккинчи куни Минодан ортга қайтиш зарур, у ерда ўн учинчи кун қолиб кетишни эса, гуноҳ деб билишар эди. Аллоҳ таоло мусулмонларга очиқ-ойдин равшан қилиб, иккисида ҳам гуноҳ йўқ, деди.

Тош отиб бўлингач, ифрод ҳажни ният қилган киши сочини олдириши ёки қисқартириши мумкин. Мабодо қисқартирмоқчи бўлса, баъзиларга ўхшаб, қулоқнинг орқасидан ёки бошқа жойларидан салгина қисқартириб қўйиши тўғри эмас, балки ҳамма жойидан баравар қисқартириш лозим. Аммо сочни тўла олдириш афзал.

Ифрод ҳажни ният қилган киши қурбонлик қилмоқчи бўлса, сочини жонлиқ сўйиб бўлгандан кейин олдириши ёки қисқартириши керак. Сўнгра эҳромдан чиқади.

Таматтуъ ва қиронни ният қилганларнинг шундоқ ҳам қурбонлик қилишлари вожиб, шунинг учун улар тош отгандан сўнг аввал қурбонлик қиладилар, кейин соч олдириб, эҳромдан чиқадилар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мўминнинг умр сафари китобидан)